

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 539-ҳадис

539 - وَعَنْ حَكِيمِ بْنِ حِرَامٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْيَدُ الْعُلْيَا خَيْرٌ مِنَ الْيَدِ السُّفْلَى، وَابْدَأْ بِمَنْ تَعُولُ، وَخَيْرُ الصَّدَقَةِ مَا كَانَ عَنْ ظَهْرِ غِنَى، وَمَنْ يَسْتَعْفِفْ يُعِفَّهُ اللَّهُ، وَمَنْ يَسْتَعْنِ يُعِنِّهِ اللَّهُ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ . وَهَذَا لَفْظُ الْبُخَارِيِّ، وَلَفْظُ مُسْلِمٍ أَخْصَرُ [خ 1427، م 1034].

539. Ҳақим ибн Ҳизом розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

**«Юқори қўл қуйи қўлдан яхшидир. (Садақани) қарамоғингдагилардан бошла. Садақанинг яхшиси беҳожатликда бўлганидир. Ким иффатталаб бўлса, Аллоҳ уни иффатли қилади. Ким ўзини беҳожат тутса, Аллоҳ уни беҳожат қилади», дедилар».**

*Муттафақун алайҳ.*

*Бу имом Бухорий ривоятидир. Имом Муслим ривояти бундан қисқароқдир.*

**Шарҳ:** Демак, ўз ҳожатидан ортиқ нарсани садақа қилиш яхшидир. Ўзи муҳтож бўлатуриб, ўзгага садақа қилиш эса мақбул эмас.

Инсон садақа қилганда ҳам аввало, ўз қарамоғидагилардан бошлаши керак. Чунки уларнинг нафақасини бериш вожибдир. Зотан, аҳли аёли муҳтож бўлатуриб ўзгага садақа қилиш мантиққа ҳам тўғри келмайди.

Киши инфоқни ўз ҳожатидан бошлаши, кейин болалари ва хотинлари кейин ундан узоқроғи қариндошларидан бошлаши керак. Албатта, қиладиган эҳсонини ўз қўли билан топган бўлиши, ўзи ва оиласидан орттириб ихлос билан адо этган бўлиши даркор. Шундагина Аллоҳ ҳузурида қабул бўлиши

осонлашади. Набий (с.а.в.) бойларнинг маблағларидан инфоқ қилишга чақириб, шу пайтни ўзида камбағалларни ифбатли бўлиб, одамлардан тиланчилик қилмасликка ундайдилар. Ким Аллоҳдан ифбат талаб қилса ифбат билан уни ризқлантириб қўяди. Ким одамлардан беҳожат бўлишини сўраб, ўша нарсага йўл қидирса, Аллоҳ унинг учун раҳмат эшикларини очиб, беҳожатлик, ифбат ва каромат сабабларига муваффақ қилиб қўяди.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

